

**«ТАСДИҚЛАНДИ»  
«ANOR BANK» АЖ  
Акциядорлари умумий йиғилиши  
\_\_\_\_\_ 2020**

**(баённома № \_\_\_\_\_)**

**Кузатув кенгashi Раиси**

**«ANOR BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
ТҮГРИСИДА  
НИЗОМ**

**Тошкент-2020**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрир) ва бошқа қонун хужжатлари, шунингдек «ANOR BANK» АЖнинг Устави ҳамда Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган

2. Низом ANOR BANK» АЖ Акциядорлари умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиби, қарорлар қабул қилиниши принциплари ва уларнинг бажарилиши узасидан назоратни ташкил этишни белгилайди.

3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши «ANOR BANK» АЖнинг (кейинги ўринларда – “банк”) олий бошқарув органи ҳисобланади.

4. Банк акциядорларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилишнинг зарурый шарти - бу акциядорларнинг умумий йиғилишини барча акциядорларга тенг муносабатда бўладиган тарзда ўтказиш тартибини ва тартибини белгилашдир.

5. Банк ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказишига мажбурдир. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳар йили 30 июнь куни бўлиб ўтади. Агар белгиланган кун дам олиш кунига тўғри келса, у ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишининг куни жорий йилнинг 30 июнидан олдинги иш куни ҳисобланади.

Зарур бўлганда, Банк Кузатув кенгаши амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда акциядорларни олдиндан хабардор қилиб, ушбу бандда кўрсатилган санадан олдин акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақиришга ҳақлидир.

6. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида Банк Кузатув кенгаши ва Банк тафтишчиси, Банкнинг Миноритар акциядорлар қўмитасини сайлаш, Банк Бошқаруви раиси билан тузилган шартномани узайтириш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисида, аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини аниқлаш ва унинг хизматига тўланадиган тўловнинг энг юқори миқдори белгилаш тўғрисида, шунингдек йиллик ҳисоботлар, унинг фойдаси ва заарини тақсимлаш ва қонун хужжатларида ва Банк Уставида назарда тутилган бошқа масалалар ҳал қилинади.

7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ўтказилиш санаси, уни ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш шакли, акциядорларга Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш учун тақдим этиладиган материаллар (маълумотлар) рўйхати Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

## **II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ**

9. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига қўйидагилар тегишли бўлади:

9.1. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

9.2. банкни қайта ташкил этиш;

9.3. банкни тугатиш, тугатувчи тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

9.4. Банк кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

9.5. банк Миноритар акциядорлари қўмитасини ташкил қилиш ва сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

9.6. эълон қилинган акцияларнинг чекланган миқдорини белгилаш;

- 9.7. банк устав капиталини кўпайтириш;
- 9.8. банк устав капиталини камайтириш;
- 9.9. ўз акцияларини қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки билан келишган ҳолда сотиб олиш;
- 9.10. Банк ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- 9.11. мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига ҳақ тўлашнинг чекланган миқдорини белгилаш ҳамда у билан шартнома тузиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.12. Банк кузатув кенгаши томонидан тайинланган Банк Бошқаруви раисини тасдиқлаш;
- 9.13. банк тафтишчисини сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;
- 9.14. Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги, Миноритар акциядорлари кўмитаси тўғрисидаги, Банк кузатув кенгаши тўғрисидаги, Банк Бошқаруви тўғрисидаги, Банк тафтишчиси тўғрисидаги, Банк кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги низомни, Банк корпоратив бошқаруви Кодексини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- 9.15. йиллик ҳисоботларини тасдиқлаш, шунингдек банк фаолиятининг асосий йиғилишилари ва мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш;
- 9.16. банкнинг фойда ва заарларини тақсимлаш;
- 9.17. Банк кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан банкни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчисининг хulosаларини эшитиш;
- 9.18. акцияларга конвертация қилинадиган корпоратив облигацияларни банк томонидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.19. қимматли қоғозлар ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.20. акцияларни ва акцияларга конвертация қилинадиган қимматли қоғозларни сотиб олишга Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган акциядорнинг устунлик хуқукини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.21. қонун хужжатларила назарда тутилган ҳолларда банк билан боғланган шахслар (аффилланган шахслар) билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.22. Акциядорлар умумий йиғилиш иш тартибини тасдиқлаш;
- 9.23. акцияларни бўлиш ва жамлаш;
- 9.24. предмети мол-мулк бўлган йирик битимларни, бундай битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санада баланс қиймати ёки харид қилиш қиймати банк соғ активларидан эллик фоизидан ортиқни ташкил этадиган йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 9.25. ҳисоботлар ва бошқа хужжатларни, Банк Кутазув кенгаши ва Бошқаруви томонидан банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қабул қилинган чоратадбирларни кўриб чиқиши;
- 9.26. хайрия, ҳомийлик ва беғараз ёрдамнинг чекланган миқдорини белгилаш;
- 9.27. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, банк Устави ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиши.

### **III. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ХУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ**

10. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санасигача 3 (уч) иш кунда шакллантирилган банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш хуқукига эга бўлади.

11. Акциядорлар реестрини шакллантириш банк топшириғи асосида марказий қайд қилувчи вазифаларани бажарувчи Қимматли қофзлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Банк акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт

12. Банк акциядорларининг реестрига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди, реестр тузилган санада кўрсатиб ўтилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган хукуқлари тикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган хато тузатилган ҳоллар бундан мустасно.

13. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш хукуқи шахсан акционер ёхуд унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорлар умумий йиғилишида акционер вакили ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз бериш ишончномаси вакил тўғрисида маълумотларни ўз ичига олиши шарт (исми ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган жойи, паспорт маълумотлари). Жисмоний шахс номидан берилган овоз бериш ишончномаси нотариал тасдиқланган бўлиши шарт. Юридик шахс номидан берилган овоз бериш ишончномаси ушбу юридик шахс раҳбари имзоси ва муҳри билан берилади. Шунингдек, банк ички аудит хизмати раҳбари, Банк миноритар акционерлари қўмитаси, Банк кузатув кенгashi ва Банк Бошқаруви аъзолари, Банк тафтишчиси, шунингдек Банк кузатув кенгashi томонидан таклиф килинган шахслар қатнашиши мумкин.

14. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

15. Банк акциядорлари реестрига биноан қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва акциядорлик жамияти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

16. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва жамият акциядорлари реестири маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетенлар ва қўтарилиган масалалар билан боғлиқ материалларни (маълумотларни) оладилар.

17. Агар Акциядорлар умумий йиғилиши қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетенъ берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «\_\_\_\_\_та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «\_\_\_\_\_» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида шахсан қатнашиш имконияти бўлмаган акциядорлар, электрон почта орқали (электрон раками имзосини тасдиқлаган ҳолда), шунингдек ўз ваколатларини вакилига ўтказиш орқали ёхуд «ANOR BANK» АЖ Акциядорлари умумий йиғилишини видеоконференц алоқа тизимидан фодалангандан ҳолда ўтказиш тартибига (мазкур Низомга 1-Илова) мувофиқ Акциядорлари умумий йиғилишини видеоконференц алоқа режимида ўтказиш орқали овоз бериши мумкин.

#### **IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

18. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришни Банк Кузатувчи кенгаш амалга оширади. Банк Кузатувчи кенгаш қўйидагиларни белгилайди:

Акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказиладиган санаси, жойи ва вақти;

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби;

акциядорлар умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун банк акциядорлари реестри тузиладиган сана;

акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун банк акциядорлари реестри тузиладиган сана;

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш түғрисида акциядорларга маълум қилиш тартиби;

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишгача акциядорларга тақдим қилинадиган кун тартиби бўйича маълумотлар (материаллар) рўйхати, шу жумладан Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига доир Банк кузатув кенгаши позициясини;

акциядорлар ва инвесторлари билан ўзаро алоқага маъсул ходимни ёки банк бўлинмасини;

овоз бериш учун бюллетеннинг шакли ва матни;

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига аниқ бир масалани қўтаришни ўз ичига олмайдиган таърифлашни (шу жумладан, “ҳар хил масалалар”, “бошқа”, “бошқалар”) киритишига йўл қўйилмайди.

19. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш түғрисида хабар «Openinfo.uz» корпоратив ахборот ягона порталида, банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида нашр этилади, шунингдек акциядорларга Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санадан йигирма бир кундан кечиртирмасдан банк акциядорлари реестри асосида электрон почта орқали жунатилади.

20. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши түғрисидаги хабарда куйидагилар бўлиши керак:

банкнинг номи ва жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почтаси;

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

банк акциядорлари реестри тузилган сана;

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар;

акциядорларни Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қўришда акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар (материаллар) билан таништириш тартиби.

21. Акциядорлар умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик қўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар (материаллар)га банкнинг йиллик ҳисоботи, банкнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича банк тафтишли ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, банк Бошқаруви раиси билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги түғрисида Банк кузатув кенгаши қарори, банкнинг Миноритар акциядорлари қўмитаси, Банк кузатув кенгаши аъзолигига ҳамда Банк тафтишчисига номзодлар түғрисидаги маълумотлар, банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки банкнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

21.1. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик қўришда акциядорларга тақдим этилиши шарт бўлган қўшимча маълумотлар (материаллар) рўйхати қимматли қофозлар бозорини тартибига солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

22. Банк овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизи биргаликда эгаллаган акциядорлари (акциядори) молия йили тугагандан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирилмаган муддатда, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишига ва банкнинг Миноритар акциядорлари қўмитасига, Банк кузатув кенгашига ҳамда Банк тафтишчисига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишига ҳақлидир.

22.1. Акциядорлар (акциядор) банкнинг Миноритар акциядорлари қўмитасига, Банк кузатув кенгашига ҳамда Банк тафтишчисига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши түғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктиримай ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир.

22.2. Банк оддий акцияларининг камида 1%га эга акциядорлар Банк кузатув кенгаши йиғилишини чақиришни талаб қилишлари ҳамда кун тартиби, фойдани тақсимлаш,

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар уларни алмаштириш имконияти билан бошқарув ва назорат органларига номзодлар бўйича таклифлар киритишлари мумкин.

23. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалани қўйиш сабаби, масалани киритаётган акциядор (акциядорлар)нинг номи, унга тегишли акциялар сони ва типи кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Банкнинг Миноритар акциядорлари қўмитасига, Банк кузатув кенгашига ҳамда Банк тафтишчисига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритишда, шу жумладан ўз номзодини кўрсатишда номзоднинг исми, унга тегишли акциялар сони ва типлари (агар номзод банкнинг акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатувчи акциядорларнинг номлари, уларга тегишли акцияларнинг сони ва типлари кўрсатилади.

24. Банкнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни молиявий йил тамом бўлгандан кейин 10 (үн) кундан кечикмай кўриб чиқишига ва уларни акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки кун тартибига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишига мажбурдир.

25. Акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши, шунингдек кўрсатилган номзодлар Банкнинг Миноритар акциядорлари қўмитасига, Банк кузатув кенгашига ҳамда Банк тафтишчисига сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

акциядор (акциядорлар) томонидан мазкур Низомнинг 22-бандида белгиланган муддатга риоя қилинмаса;

акциядор (акциядорлар) мазкур Низомнинг 22-бандида назарда тутилган банкнинг овоз берувчи акциялари миқдорига эгалик қилмайди;

мазкур Низомнинг 22-бандида назарда тутилган, банкнинг сайлов органларига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклиф амалдаги Устав ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрир) Қонуни талабларига мувофиқ бўлмаса.

26. Банк Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки номзодни Банкнинг Миноритар акциядорлари қўмитасига, Банк кузатув кенгашига ҳамда Банк тафтишчисига сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиш асосли равишда рад этилиши тўғрисидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган кундан кейин уч кундан кечикмай масалани киритган ёки таклиф берган акциядор (акциядорлар)га юборилади.

27. Банк кузатувчи кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки банкнинг номзодни Банк кузатув кенгашига ҳамда Банк тафтишчисига сайловлар бўйича номзодлар рўйхатига киритиш рад этилиши тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

## **V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

28. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Банк кузатув кенгаши қарорига кўра унинг ўз ташаббуси, банк тафтишчиси ёзма талаби, ёзма талаб берилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талаби асосида ўтказилади.

29. Банк тафтишчиси ёки банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг ёзма талаби билан Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш Банк кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб берилган пайтдан бошлаб 30 (уттиз) кундан кечикмай амалга оширилади.

30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ифодаланиши керак.

31. Банкнинг кузатув кенгаши Банк Тафтишчиси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан чақирилаётган акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибига киритиладиган масалалар ифодаланишига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

32. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядор (акциядорлар)дан чиқкан бўлса, унда йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган акциядор (акциядорлар)нинг исми (номи), унга тегишли акциялар сони, типи кўрсатилиши керак.

33. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

34. Банк тафтишчиси ёки банк овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаби берилган санадан бошлаб ўн кун ичидаги Банк кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг чақирилиши ёхуд унинг чақирилиши рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилиниши керак.

35. Банк тафтишчиси ёки банк овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаби рад этилиши ҳақидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талаб берилган санада жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 (беш) фоизига эгалик қилмаса;

жамият акциядорларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган саволлардан ҳеч бири унинг ваколатига тегишли бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф қилинаётган масала қонун ҳужжатлари талабларига мувофик бўлмаса.

36. Банк кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш ёки уни чақиришни асосли равишда рад этиши тўғрисидаги қарори уни чақиришни талаб қилувчи шахсларга ушбу қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб уч кундан кечикмай юборилади.

37. Банк кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни рад этиши тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

38. Агар 30 (ўттиз) кун ичидаги Банк кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинмаса ёки мазкур Низомнинг 35-бандида кўрсатилмаган сабаблар бўйича уни чақириш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинса, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилувчи шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Ушбу ҳолда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қўриш харажатлари акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият маблағлари ҳисобига қопланиши мумкин.

## VI. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ

39. Акциядорлар умумий йиғилиши, агар умумий йиғилишда қатнашиш учун рўйхатдан ўтиш тамом бўлиши пайтида банкнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами бўлиб камидаги 50 (эллик) фоизидан ортиғига эгалик қилувчи акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса қонуний кучга (кворумга) эга бўлади.

40. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиш учун кворум тўпланмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиша кун тартибига ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

41. Бўлиб ўтмаган Акциядорлар умумий йиғилиши ўрнига чақирилган янги Акциядорлар умумий йиғилиши, агар унда қатнашиш учун рўйхатдан ўтказиш тамом бўлиши пайтида жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акциялари овозларининг жами камида 40 (қирқ) фоизига эгалик қилган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтказилган бўлса хуқукий ваколатлидир

42. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар мазкур Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

43. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш санаси 20 кундан оз муддатда кворум йўқлиги муносабати билан кўчирилган тақдирда, Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар бўлиб ўтмаган Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрга мувофиқ аниқланади.

## **VII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ**

44. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир Умумий йиғилишида мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланади.

45. Акциядорлар умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

46. Банк кузатув кенгаш раиси Акциядорлар умумий йиғилишини очади ва ишчи органларни – президиум, саноқ комиссиясини, Акциядорлар умумий йиғилишининг котибини сайлашни таклиф этади.

47. Акциядорлар Умумий йиғилиши раёсати, раиси ва котиби Акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Бунда Акциядорлар умумий йиғилиши президиуми таркибига лавозимига кўра Банк кузатув кенгаши раиси киради. Банкнинг Миноритар акциядорлари қўмитаси, Банк кузатув кенгаши, Банк тафтишчиси ва Банк бошқаруви аъзолари Акциядорлар Умумий йиғилиши котиби бўлиб тасдиқланиши мумкин эмас.

48. Акциядорлар Умумий йиғилиши раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қиласди, Умумий йиғилиш ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қиласди. Акциядорлар Умумий йиғилиши раиси Акциядорлар Умумий йиғилишинин аудио ва видео ёзувларини ёзиб олиш ва Интернет тармоғида узатиш хуқуқига эга.

49. Йиғилиш давомида пайдо бўлувчи жорий масалаларни раис муҳокама қилинаётган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилишида бош принципдан: ҳар бир қатнашчининг белгилangan вақт доирасида сўзга чиқиш хуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб яккабошчилик билан ҳал этилади. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар Умумий йиғилиш котибига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманома берадилар.

50. Овозларни ҳисоблаб чиқиш, Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенлар бериш учун Банк кузатув кенгаши томонидан сони ва шахсий таркибини Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлайдиган саноқ комиссияси ташкил этилади.

51. Саноқ комиссияси таркиби уч кишидан кам бўлиши мумкин эмас. Саноқ комиссияси таркиби Банк тафтишчиси, Банкнинг Миноритар акциядорлари қўмитаси, Банк кузатув кенгаши, Банк бошқаруви аъзолари кириши мумкин эмас.

52. Саноқ комиссияси Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди, акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Умумий йиғилишда овоз бериш хуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради, овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши хуқуқини таъминлади, овозларни санайди ва овоз бериш якунларини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баён тузади, овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

53. Акциядорлар умумий йиғилиши котиби:

Умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;

ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;

Умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг 10 кундан кечикмай Акциядорлар умумий йиғилиши баёнини икки нусхада тузади.

### VIII. ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА ОВОЗЛАРНИ САНАШ

54. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг бир овоз берувчи акцияси 1 овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Банк қузатув кенгаши аъзолари сайловлари бўйича номзодлар сонига қараб, қанча бўлса шунча овоз берилган ҳоллар ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

55. Овоз беришга қўйилган масалалар бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши қарори Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчи овоз берувчи акциялар акциядорлари-эгаларининг кўпчили овози билан қабул қилинади.

Масалалар бўйича қарорлар:

а) Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) банкни қайта ташкил этиш;

в) банкни тугатиш, тугатувчи тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) эълон қилинган акцияларнинг чекланган миқдорини белгилаш;

д) Банк кузатув кенгашининг ва тафтишчининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан банкни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтишчининг хulosаларини эшлиши;

е) қонун хужжатларила назарда тутилган ҳолларда банк билан боғланган шахслар (аффилланган шахслар) билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ж) предмети мол-мулк бўлган йирик битимларни, бундай битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санада баланс қиймати ёки харид қилиш қиймати банк соғ активларидан эллик фоизидан ортиқни ташкил этадиган йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчи овоз берувчи акциялар акциядорлар-эгаларининг  $\frac{3}{4}$  овозининг малакали кўпчилиги томонидан қабул қилинади;

56. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

57. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши банк кузатув кенгаши томонидан чакирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

58. Овоз бериш бюллетенида: банкнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича

«ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантилари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага «ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

59. Банкнинг кузатув кенгаши ёки банк тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

60. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантиларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

61. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан юқорида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

62. Овоз бериш якуnlари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якуnlари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

Овоз бериш якуnlари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун жамиятнинг идоравий архивига топширилади.

Овоз бериш якуnlари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

63. Овоз бериш якуnlари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшилтирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якуnlари тўғрисидаги ҳисботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

## IX. АКЦИЯДОЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ

64. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (үн) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

65. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

чиқишлиарнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар, овоз бериш натижалари ва Акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маъruzаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якуnlари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

66. Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

67. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзгаришлар натижасида ушбу Низомнинг айрим бандлари унга зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу Низомга ўзгартириш кирилгунга қадар Акциядорлар умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк уставига амал қиласи.

**«ANOR BANK» АЖ**  
**Акциядорлари умумий йиғилиши**  
**Тұғрисидаги Низомга**  
**1-Илова**

**«ANOR BANK» АЖ Акциядорлари умумий йиғилишини видеоконференц алоқа тизимидан фодаланган ҳолда ўтказиш тартиби**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур хужжат «ANOR BANK» АЖ (кейинги үринларда - банк) Акциядорларининг умумий йиғилишини (кейинги үринларда - Йиғилиш) видеоконференц алоқа тизимиdan (кейинги үринларда - ВКА) фодаланган ҳолда тайёргарлик күриш ва ўтказилиш тартиби белгилайди.

1.2. ВКА тизими акционерлар ёки банк акционерлари қонуний вакиллари иштирокида Йиғилиш ўтказишга мүлжалланган. Зарур ҳолларда ҳамда техник имконият мавжудлигіда ВКА тизимини ташқи ВКА тизимлари билан уланишига йўл қўйилади.

1.3. ВКА тизими банк Бош офиси музокаралар залида ўрнатилган видеотерминаллардан, банк акционерлари мобил телефонларидан, шунингдек видеоалоқа функцияси билан таъминланган IP-телефон тизими ва бошқа ташкилотларга тегишли бўлган сервер ҳамда телекомменикацион жиҳозлардан иборат.

1.4. ВКА тизимини техник қўллаб-қувватлаш, бошқариш ва ривожлантиришни ташкил этиш Банкнинг Ахборот технологиялари бошқармаси томонидан амалга оширилади.

1.5. Ушбу Тартибда қўйидаги асосий тушунчалар белгиланган:

**видеоконференцалоқа** — узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиб имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

**видеоконференцалоқа сеанси** - таклиф қилинган иштирокчиларнинг масофадан учрашуви шаклидаги тадбир (кейинги үринларда – ВКА сеанси);

**ВКА сеанси ташкилотчиси** – Акциядорлар йиғилишининг раиси, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарув раиси ва аъзолари, Банк тафтищчиси, Акциядорлар йиғилишининг котиби, Ҳисоб комиссияси раиси

**ВКА администратори** - ВКА тизимининг ишлашини таъминлаш ва бошқаришга масъул бўлган Банк Ахборот технологиялари бўлимининг ваколатли ходими;

**оператор ВКС** – ВКА оператори – ВКА сеанси ўтказилишини бошқариб борувчи ваколатли шахс (Ҳисоб комиссияси раиси ёки аъзоси);

**ВКА иштирокчилари** – ВКА тизимида уланган видеоконференцалоқа жиҳозлари орқали белгиланган тартибда иштирок этувчи ва овоз берувчи акциядор ёки акциядор вакили.

**2. Йиғилишни ВКАдан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш тартиби**

2.1. ВКА иштирокчилари, Йиғилиш ўтказилишига қадар 3 иш кунидан кечиктирмай Ташкилотчиларга қўйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ВКАдан фойдаланиладиган Йиғилишда қатнашиш учун ёзма равища талабнома юборадилар.

- 1) фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик шахс номи;
- 2) ишончноманинг санаси ва рақами кўрсатилган ҳолда ваколатли шахснинг ёки акциядор вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми (асл ишончномани илова қилинг);

- 3) мобил телефон рақами;
- 4) электрон почтаси;
- 5) бошқа зарур маълумотларни.

2.2. ВКА сеанси ташкилотчиси Йиғилиш ўтказилишига қадар 2 иш кунидан кечиктирмай банк Ахборот технологиялир бошқармасига ВКАдан фойдаланган ҳолда Йиғилиш ўтказиш санаси, вақти ва давомийлиги, иштирокчилар сонини, тарбирни видеоёзув зарурлигини кўрсатган ҳолда ариза юборадилар.

2.3. ВКА сеанси ташкилотчисидан талабномани олгач, ВКА администратори ВКАдан фойдаладиган Йиғилиш санаси, вақти ва давомийлигини келишиб олади.

2.4. ВКА сеанси ташкилотчиси ВКА сеанси ўтказилишидан 1 иш кунидан кечиктирмай Йиғилиш иштирокчиларини телефон ёки факс алоқа, электрон почта ёки бошқа усулларда хабардор қиласидилар.

### **3. ВКАдан фойдаланган ҳолда йиғилиш ўтказиш тартиби**

3.1. ВКАдан фойдаланиладиган Йиғилиш бошланиши олдиdan техник сеанс ўтказилади.

3.2. Техник сеансни Оператор иштирокида, шунингдек барча (ВКАдан фойдаланиладиган Йиғилишда иштирок этишга ариза тақдим этган) иштирокчиларни улган ҳолда, абонент нуқталари жиҳозларининг ишлашини текшириш, камералар жойлашишини, овоз даражасини созлаш, Йиғилиш иштирокчиларига дастурни етказиш мақсадида ВКА администратори ўтказади.

3.3. Техник сеанс, агар ВКА ташкилотчиси билдиришномасида бошқача кўрсатилмаган бўлса, йиғилиш бошланишидан камида 30 дақиқа олдин бошланади.

3.4. Оператор, техник сеанс тугашидан олдин, лекин мажлис бошланишидан 5 дақиқадан кечиктирмай:

- сеанс иштирокчисига фамилия, исми-шарифи ёки юридик шахс номини (вакил исми шарифи, ишончнома санаси ва раками) хабар қиласиди (матн шаклидаги ахборот)

- сеанс иштирокчисига ушбу иштирокчига тегишли бўлган овоз берувчи акциялар (дона) сонини хабар қиласиди (матн шаклидаги ахборот)

сеанс барча иштирокчиларини банк акциядорларини қайд қилиш рўйхатида белгилайди (электрон почта манзилини ёки бирон бир маҳсус IP-манзилини кўрсатиш орқали)

- сеанс барча иштирокчиларининг овоз берувчи акциялар сонини белгилайди.

3.5. Барча абонент нуқталаридаги микрофонлар ўчирилган бўлиши керак.

3.6. ВКАнинг иш сеанси Йиғилиш регламентига мувофиқ бошланади.

3.7. Участники сеанса должны быть обращены лицом к камере терминала на расстоянии не далее 2-х метров. Обсуждение вопросов разрешается в соответствии с регламентом проведения собрания акционеров только во время отведённых:

Сеанс иштирокчилари терминал камерасига 2 метрдан ошмайдиган масофада юзи билан қартилишлари керак. Масалалар мухокамасига акциядорлар йиғилишида қоидаларига мувофиқ қўйидаги вақтларда рухсат этилади:

- кўшимча чиқишилар, нутқ ва мунозаралар учун, шунингдек масалаларни мухокама қилиш пайтида;

- овоз бериш пайтида.

Ортиқча шовқинлар чиқармай, оддий сухбат овозида аниқ ва тушунарли гапириш керак.

3.8. ВКАдан фойдаланилшан Йиғилиш пайтида иштирокчилар ВКА сеансини ўтказишга халақит берадиган ҳар қандай ҳаракатларни истисно қилишлари (ҳаракатланиш, ортиқча сухбатлар, дераза ва эшикларни очиш, мобил курилмалар ва ҳар қандай телефон алоқасидан фойдаланиш), шунингдек, барча тавсияларга риоя қилишлари ва техник сеанс давомида олинган жиҳозлар созламаларини сақлаб қўйишилари керак.

3.9. ВКА тизимида техник хизмат кўрсатиши мақсадида ВКА администратори томонидан абонент нуқталаридаги техник мутахассислар билан биргаликда қўшимча техник сеанслар ўтказилиши мумкин.

3.10. Агар ВКА сеанси пайтида видеоёзув олиб борилган бўлса, ВКА администратори ВКА сеанси тугаганидан кейин 2 кун ичида йиғилиш ёзувининг нусхасини ВКА ташкилотчисига юборади.

#### **4. ВКАдан фойдаланган ҳолда йиғилиш иштирокчиларининг овоз бериш тартиби**

4.1. Ҳар бир маърузачининг нутқидан кейин ВКС сеанс Ташкилотчиси – Акциядорлар йиғилиш раиси акциядорлар йиғилишининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича қарор лойиҳасини эълон қиласди ва уни овоз беришга таклиф қиласди.

4.2. Овоз беришда ВКАнинг ҳар бир иштирокчиси ҳар бир масала бўйича ВКА операторига ўз жавобини овоз беришнинг мумкин бўлган варианatlаридан бири билан айтиши шарт. (“ёқлайман”, “қаршиман”, “бетарафман”)

*\*Масалан: 1) биринчи масала бўйича “Ёқлайман”; 2) иккинчи масала бўйича “Каршиман”; 3) ... ўнинчи масала бўйича “Бетарафман”*

Шундан сўнг, ВКА оператори ВКА иштирокчиси томонидан ҳар бир масала бўйича овоз бериш бюллетенини қўлдан тўлдиради.

4.3. Акциядорлар йиғилишининг кун тартибидаги барча масалалар бўйича овоз бергандан сўнг ВКА оператори сеанснинг барча иштирокчиларини овоз бериш тугаганилиги тўғрисида хабардор қиласди (матн шаклидаги ахборот) ва овоз бериш ВКА ёрдамида ўтганлиги тўғрисида бюллетенга белги қўяди.

4.4. Сеанс иштирокчилари билан бўлган ёзишмалар чоп этилади ва қоғоз шаклида сақланади, Оператор имзоси билан тасдиқланади ва бюллетенлар билан бирга Ҳисоб комиссиясининг баённомасига илова қилинади.

4.5. Иштирокчилар билан ёзишмалар, шунингдек ВКА оператори томонидан ВКА иштирокчилари номидан тўлдирилган бюллетенлар, юзма-юз овоз беришда бўлгани каби тенглаштирилади.

4.6. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари тўлдирилган ва имзолangan бюллетенлар, шунингдек ВКА тизими орқали олинган ва Оператор томонидан имзолangan ёзишмалар асосида ҳисобланади.

#### **4. ВКА администратори мажбуриятлари**

##### **4.1. ВКА администратори:**

4.1.1. ВКА ускуналарининг конфигурацияси ва созламаларини, шу жумладан дастурий таъминотни янгилаш ва жиҳозларни модернизациялашни бошқаради;

4.1.2. Ташкилотчи томонидан тайнланган ВКА операторларининг ваколатларини белгилайди

4.1.3. ВКА сеанси иштирокчиларини улашни (қайта улаш, узиб қўйиш) амалга оширади;

4.1.4. ВКА сеанслари сифати ва ишончлилигини ошириш мақсадида ВКА оператори ва Иштирокчиларга услубий ва техник ёрдам беради

4.1.5. ВКА тизимини бошқаларга тегишли ташки ВКА тизимлари билан уланишнинг техник имкониятларини аниқлайди ва агар мавжуд бўлса, бундай уланишни таъминлади;

4.1.6. ВКА сеанси давомида йиғилиш иштирокчисининг ҳаракатларини тушунтиради;

4.1.7. ВКА тизимини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади.

#### **5. ВКА оператори мажбуриятлари**

##### **5.1. ВКА оператори:**

5.1.1. ВКА сеансини тайёрлаш, ўтказиш ва якунлаш вақтида тизимни оператив назорат ва бошқаришни амалга оширади;

5.1.2. ВКА сеансини иштирокчиларининг тўлиқ исми-шарифи, улар эгалик қиласидаган акциялар сонини белгилайди, овоз бериш натижаларини акс эттиради;

5.1.3. белгиланган тартибда ёзишмалар - бюллетенларни қофоз шаклида тайёрлайди;

5.1.4. тизим ишида техник носозликлар аниқланганда дархол ВКА администраторига хабар беради;

5.1.5. ВКА тизимидан фойдаланган ҳолда Йиғилиш ўтказиш Регламентига риоя қилиниши таъминлайди.

## **6. ВКА иштирокчилари мажбуриятлари**

6.1. Иштирокчилар:

6.1.1. ВКА ташкилотчисининг хабарномаси асосида абонент нуқтасига ўз вақтида этиб бориш;

6.1.2. абонент нуқтасининг ускунасини ёқиши ва ишлашини текшириш;

6.1.3. ВКА сеанси бошланишидан олдин юзага келган носозликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

6.1.4. ВКА сеанси бошланишидан олдин юзага келган носозликларни бартараф этишнинг имконияти бўлмаса, ВКА операторига хабар бериш;

6.1.5. абонент нуқтасининг камераси, ВКА ускуналари жойлашуви учун керакли созламаларни бажариш;

6.1.6. ВКА операторига сеанс вақтида алоқа узилиши тўғрисида ва қўрилган чоралар тўғрисида дархол хабар бериш;

6.1.7. материаллар олинганилигини тасдиқлаш ва кун тартибидаги тегишли масалалар бўйича овоз беришга мажбур